**Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ҳисобот шаклини тўлдириш тартиби бўйича қўлланма**

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 431-моддасига асосан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича ер солиғи ҳисоботлари 2024 йил 20 январдан кечиктирмай тақдим этилади.

Ҳисобот шаклини тўлдириш ва юбориш my.soliq.uz сайти орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Бунда шахсий кабинетга киргандан сўнг юридик шахсларнинг ҳисоботларини юбориш бўлимига ўтилади.




@soliqnews

Электрон шакллардан керакли бўлган ер солиғи ҳисоботлари шакли танланади.




| Код | Номи |
|---|---|
| 100 | Қўшилган қиймат солиғи ҳисоботлари |
| 101 | Айланмадан олинадиган солиқ |
| 102 | Фойда солиғи ҳисоботлари |
| 103 | Норезидентлардан олинадиган фойда солиғи ҳисоботлари |
| 104 | Мол-мулк солиғи ҳисоботлари |
| 105 | Ер солиғи ҳисоботлари |

**Ер солиғи ҳисоботи шакллари 2 турга бўлинади.**




| Код | Номи | Амал қилиш муддати | Тўхтатилган |
|---|---|---|---|
| 10510_21 | Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун тўланадиган ер солиғи ҳисоб-китоби (ойлик) | 01 . 01 . 2023 | |
| 10510_20 | Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун тўланадиган ер солиғи ҳисоб-китоби (чораклик) | 01 . 01 . 2023 | |

Бу ерда керакли ҳисобот шакли белгиланади ва йил, давр ҳамда ҳисобот тури танланади.

Сўнгра, ҳисобот шаклининг “Солиқ тўловчининг ер участкалари тўғрисида Маълумот” иловасига ўтилади.




**Ушбу МАЪЛУМОТНОМАнинг**

**- 1-устунида ер участкаси жойлашган манзили;**
**- 3-устунида кадастр рақами;**
**- 4-устунида ер майдони;**
**- 5-6-устунларида жорий йилда ер участкаси ҳуқуқи пайдо бўлган сана;**
**- 7-8-устунларида ер участкаси ҳуқуқи бекор бўлган сана** Кадастр органлари маълумотлари асосида автоматик шаклланади.

Солиқ ҳисоботида ҳар бир объект бўйича шаклланган маълумотларни “ҳужжатлар рўйхати”ни юклаб олиш орқали кўришингиз мумкин.

@soliqnews

Солиқ тўловчининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Кадастр рақами | Ер майдони, гектар | Жорий йилда ер участкаси ҳуқуқи пайдо бўлган | | Ер участкасига бўлган ҳуқуқи бекор қилинган | | Солиқ солинмайдиган ер майдони | | Солиқ базаси, гектар | Солиқ ставкаси 1 гектар учун, сўм | Солиқ суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | сана | ер майдони, гектар | сана | ер майдони, гектар | ер майдони гектар | суммаси | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| Солиқ тўловчининг жами ер участкалари бўйича (020-сатр+030-сатр+040-сатр+050-сатр+060-сатр+070-сатр+080-сатр) | 010 | x | 2,615.8011 | x | 2,615.8011 | x | 0.0000 | 0.0000 | 0.00 | 2,615.8011 | x | 56,244,822,868.80 |
| Базавий солиқ ставкаси бўйича солиқ солинадиган ер участкалари | 020 | x | 2,615.6612 | x | 2,615.6612 | x | 0.0000 | 0.0000 | 0.00 | 2,615.6612 | x | 56,232,792,308.16 |
| Ер майдонларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилган ер участкалари | 030 | x | 0.1399 | x | 0.1399 | x | 0.0000 | x | x | 0.1399 | x | 12,030,560.64 |
| Тугалланмаган қурилиш объектларига тегишли ер участкалари | 040 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | x | x | 0.0000 | x | 0.00 |
| Конлар ва карьерлар банд этган ерлар | 050 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | 0.0000 | 0.00 | 0.0000 | x | 0.00 |
| Лалми-яйлов зонада жойлашган конлар ва карьерлар банд этган ерлар | 060 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | 0.0000 | 0.00 | 0.0000 | x | 0.00 |
| Лалми-яйлов зонада жойлашган ерлар | 070 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | 0.0000 | 0.00 | 0.0000 | x | 0.00 |
| Солиқ кодексининг 429-моддасига асосан солиқ ставкасига пасайтирувчи коэффициент қўлланиладиган ер участкалари учун: | 080 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | 0.0000 | 0.00 | 0.0000 | x | 0.00 |
| ягона иштирокчилари ногиронларнинг жамоат бирлашмалари бўлган ва ходимлар умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар ташкил этадиган юридик шахслар эгаллаган ерлар (0,25 коэффициент) | 0801 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | 0.0000 | 0.00 | 0.0000 | x | 0.00 |
| электр узатиш линиялари, уларнинг подстанциялари ва иншоотлари эгаллаган ерлар | 0802 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | 0.0000 | 0.00 | 0.0000 | x | 0.00 |
| умумдавлат алоқа линиялари эгаллаган ерлар | 0803 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | 0.0000 | 0.00 | 0.0000 | x | 0.00 |
| умумий фойдаланишдаги темир йўллар эгаллаган ерлар | 0804 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | 0.0000 | 0.00 | 0.0000 | x | 0.00 |
| магистрал нефть ва газ қувурлари банд этган ерлар | 0805 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | 0.0000 | 0.00 | 0.0000 | x | 0.00 |
| самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, ерда бошқариш йўлкалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр ёритиш ускуналари эгаллаган ерлар | 0806 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | 0.0000 | 0.00 | 0.0000 | x | 0.00 |
| Давлат дастурларига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар – қурилишнинг норматив муддати даврида | 0807 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | 0.0000 | 0.00 | 0.0000 | x | 0.00 |
| консервацияга қўйилиши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган объектлар эгаллаган ерлар – уларнинг консервацияси даврида | 0808 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | x | 0.0000 | 0.0000 | 0.00 | 0.0000 | x | 0.00 |

**Изох:**

1. Солиқ кодексининг 429-моддасига кўра:

030-сатрга киритилган ер участкалари бўйича солиқ ставкаси автомат тарзда 4 бараварга кўпайтирилади;

040-сатрга киритилган ер участкалари бўйича солиқ ставкаси автомат тарзда 2 бараварга кўпайтирилади;

**Маълумотноманинг 020-сатри** базавий ставкалар бўйича солиқ солинадиган ер участкалари бўйича Кадастр органлари маълумотлари асосида автоматик шакллантирилади.

**Маълумотноманинг 030-сатри** ер майдонларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ

ҳажмда фойдаланилган ер участкалари бўйича Кадастр органлари маълумотлари асосида автоматик шакллантирилади.

**Мисол учун:** “ААА” МЧЖнинг тегишли ҳужжатлар бўйича ер майдони 1 000 кв.м амалда фойдаланаётган майдони эса 1 200 кв.мни ташкил этган. Бундай ҳолатда 200 кв.м ер майдонига белгиланган солиқ ставкасига нисбатан 4 баравар қўлланилади.

*Изох :Ушбу ер участкаларига нисбатан солиқ имтиёзлари қўлланилмайди.*

**Маълумотноманинг 040-сатри** тугалланмаган қурилиш объектларига тегишли ер участкалари бўйича Кадастр органлари маълумотлари асосида автоматик шакллантирилади.

Агар қурилиши тугалланмаган объектнинг муддати бўлса, Солиқ қўмитасининг “**Алоҳида солиқ ставкаси қўлланиладиган кўчмас мулк объектлар ва ер участкалари**” ахборот тизими орқали мурожаат қилиш лозим бўлади.

Мазкур ахборот тизимига мурожаатлар my3.soliq.uz порталидаги шахсий кабинет орқали тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда юборилади.




Дастлаб тизимдан “**Норматив муддатида қурилиши тугалланмаган объектлар**” бўлими танланади.




Сўнгра бўлимдан объект қўшиш ойнаси очилади.




Объект қўшиш функцияси орқали керакли кадастр рақамини танлаб, қўшиш тугмаси босилади.



@soliqnews

Шундан сўнг, норматив муддатида қурилиши тугалланмаган объектнинг ер майдони, ваколатли орган томонидан қурилишга рухсат сана ва лойиҳа смета ҳужжатлари бўйича қурилишни якунлаш санаси киритиб асословчи *(лойиҳа смета ҳужжатлари в.б)* ҳужжатлар (jpg/pdf) бириктирилади.

Барча қаторларга сўралган маълумотлар тўлиқ киритилгач, “Юбориш” тугмаси босилади.

!!! Агар солиқ тўловчида бир неча объектлар мавжуд бўлса, ҳар бир объект учун маълумотлар юқорида кўрсатилган тартибда алоҳида киритади.

*Изох :Ушбу ер участкаларига нисбатан солиқ имтиёзлари қўлланилмайди.*

**Маълумотноманинг 050-060-070-сатрлари** конлар ва карьерлар банд этган ҳамда лалми-яйлов зонада жойлашган ерлар бўйича Кадастр органлари маълумотлари асосида автоматик шакллантирилади.

Бунда туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари белгилаган солиқ ставкаларига нисбатан:

- конлар ва карьерлар банд этган ерлар учун – **0,1 коэффициент**;

- лалми-яйлов зонада жойлашган конлар ва карьерлар ерлар учун – **0,05 коэффициент**;

- лалми-яйлов зонада жойлашган ерлар учун – **0,3 коэффициент** қўлланилади.

**Маълумотноманинг 080-сатри** Кадастр органлари маълумотлари асосида автоматик шакллантирилади.

**Маълумотноманинг 080-сатри** Солиқ кодексининг 429-моддасига асосан солиқ ставкасига пасайтирувчи коэффициент қўлланиладиган ер участкалари учун ҳам **“Алоҳида солиқ ставкаси қўлланиладиган кўчмас мулк объектлар ва ер участкалари”** ахборот тизими орқали юборилган мурожаат асосида автоматик шакллантирилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ер участкалари мавжуд солиқ тўловчилар қуйидаги тартибда мурожаат юборишлари лозим бўлади.




@soliqnews

Дастлаб тизимдан “**Камайтирувчи коэффициент қўлланиладиган объектлар**” бўлими танланади.




Сўнгра бўлимдан объект қўшиш ойнаси очилади.




Объект қўшиш функцияси орқали керакли кадастр рақамини танлаб қўшиш тугмаси босилади.




Шундан сўнг, камайтирувчи коэффициент қўлланиладиган объектнинг тури ер майдони киритилиб асословчи ҳужжатлар (jpg/pdf) бириктирилади.

Барча қаторларга сўралган маълумотлар тўлиқ киритилгач, “Юбориш” тугмаси босилади.

!!! Агар солиқ тўловчи бир неча объектлар мавжуд бўлса, ҳар бир объект учун маълумотлар юқорида кўрсатилган тартибда алоҳида киритади.

Бундан ташқари солиқ ҳисоботида шаклланмаган ер участкалари мавжуд бўлса, “**Давлат рўйхатидан ўтмаган кўчмас мулк объектлари ва ер участкалари**” бўлими орқали юбориш лозим бўлади.




Дастлаб тизимдан “**Давлат рўйхатидан ўтмаган кўчмас мулк объектлари ва ер участкалари**” бўлими танланади.




@soliqnews

Солиқ тўловчилар томонидан юборилган мурожаатлар **“Алоҳида солиқ ставкаси қўлланиладиган кўчмас мулк объектлар ва ер участкалари”** тизимининг мурожаатлар бўлимига келиб тушади.

Мурожаатларда кўрсатилган маълумотлар худудий давлат солиқ бошқармалари томонидан ўрганиб чиқилиб, уларнинг тегишли хулосаси асосида қабул қилинади.

Солиқ тўловчилар ўз мурожаатлар ҳолатини “Юборилган мурожаатлар” бўлимида реал вақт режимида кузатиб боришлари мумкин.

**Маълумотноманинг 9-10-устунлари Солиқ қўмитасининг “E-imtiyoz” автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилган объектлар орқали автоматик шакллантирилади.**

**“E-imtiyoz”** автоматлаштирилган ахборот тизимига мурожаатлар my.soliq.uz порталидаги шахсий кабинет орқали **“Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш бўйича мурожаат”** интерактив хизмати орқали юборилади.




“Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш бўйича мурожаат” ойнаси танланганда дастлаб “Имтиёзлар” ва “Мурожаатлар” бўлими очилади.

*“Имтиёзлар” бўлимига амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тақдим этилган барча солиқ имтиёзлари тўғрисидаги маълумотлар киритилган;*




Ушбу бўлимдан “Мурожаатлар” танланади.




Сўнгра **ер солиғи** бўйича имтиёзга эга ер майдони қаторлари тўлдирилади. *(Имтиёзга эга ер майдони фақат кв.мда ёзилади)*

Шундан сўнг “Файлни танланг” тугмаси орқали асословчи ҳужжатлар (jpg/pdf) бириктирилади.

Солиқ тўловчи бир неча объектлар бўйича имтиёзга эга бўлса, “*қўшиш*” тугмаси орқали ҳар бир обект ва уларнинг маълумотларини юқорида кўрсатилган тартибда алоҳида киритади;

Барча қаторларга сўралган маълумотлар тўлиқ киритилгач, “Юбориш” тугмаси босилади.

Солиқ тўловчилар томонидан юборилган мурожаатлар **“E-imtiyoz”** тизимининг мурожаатлар бўлимига келиб тушади.

Мурожаатларда кўрсатилган маълумотлар махсус ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилиб, уларнинг тегишли хулосаси асосида қабул қилинади.

Солиқ тўловчилар ўз мурожаатлар ҳолатини “Юборилган мурожаатлар” бўлимида реал вақт режимида кузатиб боришлари мумкин.

**Ҳисоб-китобнинг иловаси** тўлдирилгандан сўнг:

- ер участкасининг умумий майдони **010-сатр**да;
- солиқ солинмайдиган ер майдони **020-сатр**да;
- солиқ базаси **030-сатр**да;
- бюджетга тўланиши лозим бўлган жами солиқ суммаси **040-сатр**да **автоматик равишда шаклланади.**

Ушбу 040-сатрда шаклланган йиллик солиқ суммасини АОС тўловчи бўлмаган солиқ тўловчилар учун 1/12 қисми миқдорида **0401-0412-сатр**лари ва АОС

@soliqnews

тўловчилар учун 1/4 қисми миқдорида **0401-0404-сатр**лари тенг улушларда мос равишда автоматик шаклланади.

**Жорий солиқ даврининг 1 январь ҳолатига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича тўланадиган ер солиғи ҲИСОБ-КИТОБИ**

(айланмадан олинадиган солиқни тўламайдиган солиқ тўловчилар учун)

| Кўрсатгич | Сатр коди | Ўлчов бирлиги | Ер майдони | Солиқ суммаси |
|---|---|---|---|---|
| Ер участкасининг умумий майдони бўйича (мазкур Ҳисоб-китобга илованинг 010-сатридаги 4, 13-устунлари) | 010 | гектар | 1,0 | 30 000 000,0 |
| Солиқ солинмайдиган ер майдони - мазкур ҳисоб-китобга 1-илованинг 010 сатр 9-10-устунлари | 020 | гектар | 0,0 | 0,00 |
| Солиқ базаси (010-сатр - 020-сатр) | 030 | гектар | 1,0 | х |
| Йил учун бюджетга тўланиши лозим бўлган жами солиқ суммаси (мазкур Ҳисоб-китобга илованинг 010-сатридаги 13-устун) шу жумладан: | 040 | сўм | х | 30 000 000,0 |
| январь ой учун – 20 январгача | 0401 | х | х | 2 500 000,0 |
| февраль ой учун – 10 февралгача | 0402 | х | х | 2 500 000,0 |
| март ой учун – 10 мартгача | 0403 | х | х | 2 500 000,0 |
| апрель ой учун – 10 апрелгача | 0404 | х | х | 2 500 000,0 |
| май ой учун – 10 майгача | 0405 | х | х | 2 500 000,0 |
| июнь ой учун – 10 июнгача | 0406 | х | х | 2 500 000,0 |
| июль ой учун – 10 июлгача | 0407 | х | х | 2 500 000,0 |
| август ой учун – 10 августгача | 0408 | х | х | 2 500 000,0 |
| сентябрь ой учун – 10 сентябргача | 0409 | х | х | 2 500 000,0 |
| октябрь ой учун – 10 октябргача | 0410 | х | х | 2 500 000,0 |
| ноябрь ой учун – 10 ноябрча | 0411 | х | х | 2 500 000,0 |
| декабрь ой учун – 10 декабргача | 0412 | х | х | 2 500 000,0 |

Страница 1

Сўнгра “Сақлаш” ёки “Жўнатиш” тугмачалари орқали ҳисобот сақланади ёки жўнатилади.

**“Журнал”** бўлимида:

- ҳисоботларнинг жўнатилганлиги;
- рад этилганлиги ёки қабул қилинганлиги;
- хатолик мавжуд ҳолатларини кўриш мумкин.

**Эътиборингиз учун раҳмат!**

@soliqnews